

Лаборатория № 26

Мавзу: Ўлкашунослик тўғараги машғулотларини режалаштириш, олиб бориш ва унинг таълим жараёнидаги ўрни..

Мақсад: 1. Ўқувчиларга Ўлкашунослик тўғараги машғулотлари ҳақида маълумот бериш
2. Экологик, ватанпарварлик ва бошқа тарбиявий томонларни ўргатиш.

Жихозлар: 1.Бошланғич табиий география дарслиги

2.Атлас

3. Х. Назаров “География ўқитиш методикасидан маърузалар матни”.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Baranskiy N.N. Metodika perepedovaniya ekonomicheskoy geografii (Izd. podgotovleno L.M. Pancheshnikovoy- 2-s izd, pererab.)

2. O. Mo'minov Geografiya o'qitish metodikasi. T. “O'qituvchi”

3. A.B.Darinskiy Geografiya ta'limida o'qitish metodikasi. T. “O'rta va oliy maktab”

4 A. Soliev Mintaqaviy iqtisodiyot. T. “O'qituvchi”

5. A. Qayumov va boshqalar “Jaxon mamlakatlar iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

8. P. Mussaev va boshqalar “ O'zbekiston iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

9. O. Mo'minov, va boshqalar “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

Бажариш тартиби: 1. Ўлкашунослик тўғараги машғулотларини изоҳланг.

2. Лаборатория дафтарга атлас билан биргаликда ишлаб ёзиш.

Ўзбекистон умумий табиий географияси тавсифи, ўрни, чегаралари, майдони, Табиати, бойликлари, уларни географик ўрганиш таърифи Геологик тузилиши.
Ўзбекистон релйефи. Зилзилалар. фойдали қазилмалар, ёкилғИ, энергетика, рудали, кимёвий, алгоним, номметалл хом ашёлар, қурилиш материаллари. Гидроминерал бойликлар. 2. Ўзбекистон тоғли ва текислик қисми
Ўсимликлар, уларни муҳофаза қилиш. Чўл, адир, тоғ, яйлов ресурслари, уларни муҳофаза қилиш
Ҳайвонот дунёси. Муҳофаза қилиш. Чўл, адиртоғ, яйлов ресурслари, уларни муҳофаза қилиш
Ўзбекистон ландшафтлари. Табиий ёдгорликлар, уларни муҳофаза қилиш. Табиатни ислословчи манбаалар, чора-тадбирлар. Қўриқхоналар.
Ўзбекистонни табиий географик раёнлаштириш. Назария ва услублари. Табиий географик раёнлаштириш. Табиий географик раёнларга бўлиниш. Шимолий, марказий, жанубий устюрт табиий географик раёнлари
Устюрт. Географик ўрни. Релйефи, фойдали қазилмалари, ички сувлари, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси
Қуйи Амударё. Географик ўрни. Релйефи, фойдали қазилмалари, ички сувлари, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси
Қизилқум. Географик ўрни. Релйефи, фойдали қазилмалари, ички сувлари, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси
Қуйи Зарафшон. Географик ўрни. Релйефи, фойдали қазилмалари, ички сувлари, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси
Ўзбекистон тоғ олди провинсиячаси, Тошкент-Мирзачўл. Географик ўрни. Релйефи, фойдали қазилмалари, ички сувлари, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси
Ўлкашуносли музаега экскурсия

Мактабдаги ўқув ишлари дастур асосида ва чекланган, белгилапган вақт доирасида олиб борилади. Шунинг учун ўқувчиларнинг барча қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга эмас.

Синфдан ташқари ишлар мактабдаги ўқувтарбиявий ишларнинг узвий давоми бўлиб, ўқувчиларнинг мустақиллик ва активлигини, сиёсатга аъзо бўлиш ва маданий савиясини янада оширишни, қобилиятларининг ривожлантиришни билим қамровининг кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ҳамда айрим ҳаётий кўникма ва малакаларни эгаллашни мақсад қилиб қўяди. Шунинг билан бирга ўқувчиларнинг бўш вақтларини оқилона (унумли) ва қизиқарли ташкил этиш ҳам синфдан ташқари ишларнинг зиммасига тушади.

География кенг қўламли ва хилмахил масалаларни қамраб олсада, барча масалаларни ўқув жараёнида ёритиш имконияти йўқ, аммо география қамраб олган масалаларнинг кўпчилиги ўқувчиларни қизиқтириб келади. География таълимининг атрофдаги табиат ва одамларнинг ҳаёти, табиат ва жамиятда рўй бериб турган воқеа ва ҳодисалар билан бевосита алоқадорлиги синфдан ташқари ишлар учун катта имкониятлар вужудга келтиради.

Синфдан ташқари олиб бориладиган ишлар ўқувчиларни коммунистик рўҳда тарбиялаш соҳасида олиб бориладиган ишларнинг давомидир. Синфдан ташқари олиб бориладиган ишлап таълимтарбия мақсадларига мос келиши керак.

Ўқувчилар табиатдаги турли процесс ва ҳодисаларни, дунёда рўй берадиган воқеаларни кўпроқ билишга қизиқадилар, бундай вазифани синфдан ташқари машғулотлар орқалигина ҳал қилиш мумкин. Синфдан ташқари ишлар тури, принцип ва усулларига кўра синфда олиб бориладиган машғулот — дарсдан фарқ қилади. Синфдан ташқари ишларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари бор, бу хусусиятлар ўқитувчидан каттагина маҳорат талаб қилади.

Синфдан ташқари ишларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг ихтиёрий эканлиги бўлиб, ўқувчиларнинг хоҳиш-истакларини ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ташаббуси билан олиб борилади. Синфдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришга имкон бериши, машғулотларнинг ҳажми, шакли ва методлари эса уларнинг ёшига боғлиқ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Синфдан ташқари олиб бориладиган ишларда ўқитувчининг вазифаси — ўқувчиларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, йўл-ўриқлар кўрсатиш ва уларнинг масъулиятини оширишдан иборатдир. Синфдан ташқари ишлар ўқувчиларни илмий-тадқиқот ишларга ўргатиб бориш билан бирга, уларни дам олишларига ҳам имкон бериши керак.

Синфдан ташқари ишлар тематикасида ўлкашунослик ишлари моҳияти жиҳатидан асосин ўрнини эгаллайди. Синфдан ташқари ишлардаги «ўлка» тушунчасида бевосита ўрганиш мумкин бўлган территория (ўз шаҳри ёки кишлоғи, яқин атроф, ўз маъмурий райони, ўз области ёки табиий географик райони) назарда тутилади.

Синфдан ташқари ишларнинг тематикасида Ватанимизининг ва унинг эътиборга сазовор бўлган жойларини, йирик шаҳарлари, янги қурилишларини ўрганиш ҳам муҳим ўринни эгаллайди.

Ўқувчилар сайёрамизнинг айрим эътиборга сазовор жойлари (ғорлар, йирик шаршаралар, Антарктида табиати, табиат ёдгорликлари, океанлардаги ажойиб ҳаёт ва ҳ. к.) га уюштирилган саёҳатларга қизиқадилар. Улар халқаро воқеаларни ҳам одатда қизиқиш билан кузатадилар. Синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ўқувчиларнинг бу қизиқишларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Синфдан ташқари ишларда ўқув кўрсатмалари қўлланмалар тайёрлаш ва уларни таъмирлаш ишлари алоҳида ўрин тутади.

Синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим. В—ВИИИ синфлардаги ишларнинг мазмунини кўпроқ табиатни

ўрганишга қаратилмоғи, IX—X синфларда эса ишлар иқтисодийгеографик характерда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Baholash mezonlari.

- 1.Laboratoriya ishiga qatnashib, ish haqidagi nazariy bilimga ega bo'lsa-0,5 ballgacha.*
- 2.Laboratoriyani mustaqil bajarib natijalar olishga-0,5 ballgacha.*
- 3.Olingan natijalarni hisoblash ishlarini bajarib,mustaqil xulosa chiqara olishiga-0,5 ballgacha.*
- 4.Nazorat savollariga to'g'ri javob berishiga-0,5ballgacha*